

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

Т/Р	Тадбирлар	Муддати	Масъуллар
1. Умумий масалалар			
1.1	Республика судларининг 2021 йилдаги иш фаолияти якунларини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	январь	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.2	Олий суднинг 2021 йилдаги иш фаолияти якунларини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	январь	Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.3	Олий суд раиси ўринбосарлари иштирокида судларнинг 2021 йил давомидаги фаолияти бўйича матбуот анжумани ўтказиш.	январь	Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси
1.4	Судларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш соҳасида 2021 йилда амалга оширилган иш фаолияти юзасидан ҳисобот бериш.	январь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.5	2021 йил давомида Олий суд ва куйи судларда, шу жумладан порталлар орқали келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича умумлаштириш ва йил якуни бўйича таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш.	январь	Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси

1.6	“Божхона органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф ҳамда божхона органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги оммавий ҳуқуқий низолар бўйича” Услубий қўлланма ишлаб чиқиш.	июнь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати
1.7	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 сентябридаги ПҚ-4818-сонли қарорида 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи ярмида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисобот бериш.	июнь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.8	Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар Кадрлар бўлими бош консультантлари ҳамда унга масъул бўлган ходимларни Олий суд Кадрлар бошқармасида малакасини ошириш.	январь- июнь	Кадрлар бошқармаси
1.9	Олий судда амалиёт ўтаб қайтган вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг кадр ишлари бўйича масъул ходимлари фаолиятини амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиш.	январь- июнь	Кадрлар бошқармаси
1.10	Судларда суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва меҳнат интизомига риоя қилиши юзасидан инспекцион текширувлар ўтказиш.	январь- июнь	Кадрлар бошқармаси
1.11	Судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларининг статистик ҳисоботлари олиниб, жамланган ҳолда Олий суд раҳбариятига ахборот киритиб бориш.	ҳар чоракда	Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.12	2020-2022 йиллар учун режалаштирилган манзилли “Дастур” асосида объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини объектларга чиқиб ўрганиш.	ҳар чоракда	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.13	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	* Алоҳида режа асосида	Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси

1.14	Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ҳамда туманлараро маъмурий судлар судьяларининг иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлар ўтказиш.	* Алоҳида режа асосида	Р.Махмудова, Х.Турахужаев, Маъмурий ва Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатлари
1.15	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.	* Алоҳида режа асосида	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.16	Туманлараро маъмурий судлар раислари ва девонхона мудирларининг Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида малакасини ошириш.	* Алоҳида режа асосида	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати
1.17	Судларнинг иш юритувига Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 24-моддаларига асосан қайтарилган, лекин судлар томонидан ушбу ижро ҳужжатларини қайта ижрога тақдим этмаслик ҳамда ижро ҳужжатларини Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларига Қонунда белгиланган муддатларда ижро қилиш учун юбормаслик ҳолатларини "Е-XSUD" электрон ҳужжат айланиш тизими орқали назорат қилиш.	доимий	Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.18	Олий суд раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакилларини бевосита идорада, видеоконференцалоқа режимида ҳамда жойларда сайёр қабул қилишни ташкиллаштириш.	доимий	Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар			
2.1	Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "Марказий Осиёда маъмурий ҳуқуқ ислоҳотлари" мавзусидаги конференцияда Олий суд раиси ўринбосари иштирокини таъминлаш.	февраль-март	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.2	"Астана" халқаро молия маркази суди фаолияти билан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг Қозоғистон Республикасига ташрифини амалга ошириш.	февраль-март	Халқаро-ҳуқуқий бўлим

2.3	Корея Республикаси Олий суди билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг Корея Республикасига ташрифини амалга ошириш.	апрель-май	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.4	Туркия Республикаси Кассация суди билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Туркия Республикасига ташрифини амалга ошириш.	апрель-май	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар			
3.1	Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йил давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	февраль	Х.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.2	Маъмурий судлар томонидан 2021 йил давомида хусусий ажримлар чиқариш амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	март	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.3	Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2017-2021 йиллар давомида мажбурий жамоат ишлари (ЖК 45 ¹ -моддаси) жазосини тайинлаш бўйича суд амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	апрель-май	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.4	Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йил давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	апрель-май	Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.5	2021 йил давомида божхона органлари мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан аризаларни (шикоятларни) кўриш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини	май	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати,

	умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.		Пленум ва Раёсат котибияти
3.6	Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларнинг натижалари юзасидан кучга кирган суд ҳужжатларини ижрога қаратиш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	май-июнь	Р.Махмудова, И.Муслимов, Х.Турахужаев, Б.Исаков, судлов ҳайъатлари, Ташкилий-назорат бошқармаси, Пленум ва Раёсат котибияти
3.7	Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йил давомида транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл-ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (МЖтК 131 ва 136-моддалари) билан боғлиқ кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	май-июнь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.8	Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим нормаларини қўллаш билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	май-июнь	Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.9	Эр-хотиннинг умумий мулки деб топиш, мулкни бўлиш ҳақидаги фуқаролик ишларини умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.	июнь	Х.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
3.10	Қуйи судларнинг иқтисослашувига асосан 2020-2021 йилларда одил судловни таъминлаш борасида амалга оширган ишлари ва ташкилий фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиб, натижаларини	* Алоҳида режа асосида	Р.Махмудова, И.Муслимов, Х.Турахужаев, Б.Исаков, судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат

	заруратга қараб, Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш.		котибияти
4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар			
4.1	“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	январь-июнь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
4.2	"Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида"ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	январь-июнь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
4.3	“Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	январь-июнь	Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти
4.4	“Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш.	январь-июнь	Ҳ.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти

** Алоҳида режалар тасдиқланиб, Ташкилий-назорат бошқармасига 2022 йилнинг 10 январига қадар топширилиши лозим.
Изоҳ: зарурат бўлганда иш режасига қўшимча тадбирлар киритилиши мумкин.*